

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

САЛИМОВ ШЕРЗОД БАХТИЁРОВИЧ

КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ

08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
in Economic Sciences**

Салимов Шерзод Бахтиёрович Кичик бизнес корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантириш	3
Салимов Шерзод Бахтиёрович Развитие инновационной деятельности на предприятиях малого бизнеса	27
Salimov Sherzod Bakhtiyorovich Development of innovative activities of small businesses.....	49
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	53

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

САЛИМОВ ШЕРЗОД БАХТИЁРОВИЧ

КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ

08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фан доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/Iqt1856 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гафуров Убайдулло Вахабович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Суёнов Дилмурод Холмуродович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Самадов Асқаржон Нишонович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000 Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: +99871-239-28-71, факс: +99871-239-43-51, e-mail: tdiu@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: +99871-239-28-71, факс: +99871-239-43-51, e-mail: tdiu@tsue.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.П. Эшов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Д.М. Мавлянова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.ф.д.

Ш.Ж. Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда жаҳон мамлакатларининг иқтисодий ривожланишига кичик бизнес субъектлари фаолиятини инновацион ривожлантиришнинг таъсири ортиб бормоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти маълумотларига кўра, “Европадаги кичик корхоналарнинг учдан бир қисми ўз инновацияларини ишлаб чиқмоқда: Швециянинг 55 %, Германиянинг 48 %, Финляндиянинг 40 % кичик корхоналари инновацион тавсифдаги кичик корхоналар ҳисобланади”¹. Тадқиқотлар кўрсатадики, кичик бизнес (КБ) корхоналарининг илмий тадқиқотга қилинган сарфлари самарадорлиги йирик корхоналарга нисбатан тўрт баробар юқори”². Иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш ва янги иш ўринлари яратиш КБ субъектлари фаолиятида инновацион фаолликни ошириш орқали инновацион ривожлантиришни талаб этмоқда.

Жаҳоннинг ривожланган давлатларида кичик ва ўрта бизнесни инновацион ривожлантиришда инновацион маҳсулот яратиш ғоясидан бошлаб то уни моддий кўринишда ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш, инновацион маҳсулотни тижоратлаштириш ва оммавий равишда ишлаб чиқариш жараёнларида имитацион инновациялардан фойдаланиш масалаларини самарали амалга ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, янги ғояни инновацион маҳсулотга айлантиришда муҳим аҳамият касб этувчи бизнес-инкубаторлар ва технопаркларни самарали ташкил этиш, уларга хизмат кўрсатувчи инфатузилмани тўлиқ элементлари билан яратиш, молиялаштириш ва инновацион маҳсулотни тижоратлаштириш бўйича маркетинг хизматини ташкил этиш, миллий ва халқаро миқёсдаги илмий салоҳиятдан фойдаланиши мумкин бўлган технопарклар тармоғини яратиш борасида илмий тадқиқотлар олиб бориш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарининг барқарор ривожланишини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш ва захира имкониятларини ишга солиш уларда инновацион фаолиятни ривожлантириш борасидаги илмий тадқиқот ишларини янада ривожлантириш заруратини келтириб чиқармоқда. Ҳозирги кунда мамлакатда тадбиркорлик фаолияти учун “...бизнесни бошқаришдаги ўз билим ва кўникмаларини ошириш, фаолиятига инновация ва илғор технологияларни кенг жорий этиш учун барча имкониятларни яратиб бериш”³ муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Тошкент шаҳрининг

¹ Организация экономического сотрудничества и развития (ОЭСР) // [Электронный ресурс]. - <http://www.cnn.com/2009/POLITICS/03/16/obama.small.business/index.html>.

² Буланова Е.В., Соменкова Н.С., Ягунова Н.А., Формирование стратегии развития малого инновационного предприятия промышленного комплекса. //Вопросы инновационной экономики Том 9, №2, Апрель-июнь 2019 с 449-464.

³ Тадбиркорликни жадал ва янада кенг ривожлантириш учун барча шароитларни яратиш – энг муҳим вазифамиздир. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. - 20.08.2021 https://uza.uz/uz/posts/tadbirkorlikni-zhadal-va-yanada-keng-rivozhlantirish-uchun-barcha-sharoitlarni-yaratish-eng-muhim-vazifamizdir_294814

Яшнобод туманида инновацион технопарк ташкил этилиши, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда келгусида технопарклар фаолиятини йўлга қўйишнинг белгилаб берилиши, уларни керакли инфратузилма объектлари билан таъминлаш, технопарклар фаолияти самарадорлигини баҳолаш усулини такомиллаштириш, кичик бизнес корхоналари фаолиятини инновацион ривожлантиришда имитацион инновациялар алгоритмидан фойдаланиш йўллари тадқиқ этиш муҳим йўналишлардан ҳисобланади.

Мазкур тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сон “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 5 майдаги ПҚ-3697-сон “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 6 августдаги ПҚ-3899-сон “Илмий ва инновацион фаолиятни интеграциялаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес корхоналари инновацион фаолиятининг назарий асослари ва амалий жиҳатлари, кичик бизнесни стратегик ривожлантириш, инновация ва инновацион ишланмаларни яратиш, ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиш орқали корхоналар рақобатбардошлиги ва фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари бўйича Й.А.Шумпетер, С.В.Валдайцев, Н.Н.Молчанов, К.Пецольт, С.Е.Жура, Г.И.Гумерова, Э.Ш.Шаймиева, Е.В.Буланова, Н.С.Соменкова, Н.А.Ягунова, Т.Н.Кошелева, Фан Цин, Ш.Пэйгон, Ян Доньдонь, Ян Циаоцинъ, Ю.В.Карпченко, А.В.Балышев, Е.С.Зиновьева, А.Л.Ахтулов, С.В.Андрич, Л.Н.Ахтулова, С.Freeman⁴ сингари олимлар илмий

⁴ Шумпетер Й.А. Экономические циклы / Й.А. Шумпетер. – М.: Неон, 1996.- 156 с.; Жура С.Е. Малый бизнес в инновационной деятельности Российской Федерации: проблемы и пути их решения // Вестник ПАГС. 2014. №2. С.90-98.; Валдайцев С.В. Малое инновационное предпринимательство: учеб. пособие /

тадқиқот олиб борганлар.

Кичик бизнес корхоналарининг инновацион ривожланишини таъминловчи инфратузилма ва унинг муҳим тизимости элементлари – технопарк, бизнес-инкубатор, ахборот ва венчур молиялаштириш фондларини ривожлантириш масалалари бўйича В.С.Лазарев, Н.Лапин, Лю Сяоцзюань, Е.Земская, А.Каширин, С.Лузан, О.П.Молчанова, Я.Сергиенко, Л.Г.Руденко, А.Е.Матюхов, В.Г.Варнаровский ва Н.Н.Лебедева⁵ илмий тадқиқот олиб борганлар.

Ўзбекистонда МБ корхоналарини инновацион ривожлантириш, рақобатбардошлигини ошириш, корхоналарда инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришнинг назарий-услубий жиҳатлари С.С.Ғуломов,

С.В. Валдайцев, Н.Н.Молчанов, К.Пецольт. – М.: Проспект, 2015. – 536 с.; Буланова Е.В., Соменкова Н.С., Ягунова Н.А. Формирование стратегии развития малого инновационного предприятия промышленного комплекса. // Журнал «Вопросы инновационной экономики». Том 9. № 2. Апрель-июнь, 2019.; Гумерова Г. И., Шаймиева Э. Ш. Анализ управления технологическими инновациями на промышленных российских предприятиях: источники финансирования, инновационная стратегия. // Актуальные проблемы экономики и права. 2012. №3 (23). С.93-103.; Кошелева Т. Н. Стратегии развития малого инновационного предпринимательства. – СПб: ГУАП, 2009. с.5; Фан Цин, Анализ стратегии имитационной инновации МСП в Китае. Сельскохозяйственные науки. 2010.; Пэйгон Ш. Теория и практика имитационной инновации. Издательство университета Цинхуа 2013 г.; Ян Доньдонь, Ян Щиаоцин. Рациональное мышление имитационной инноваций малого и среднего бизнеса в Китае. Технологическое развитие предприятия. 2011, № 12.; Кардаш И.Н. Проблемы правового обеспечения вопросов стимулирования и поддержки инновационной ГУАП, 2009. с.5; Атапина Н.В. Сравнительный анализ методов оценки рисков и подходов к организации риск-менеджмента // Молодой ученый. - 2013. - № 5; Афонина Е.В. Роль малого бизнеса в инновационном развитии экономики // Интернет-журнал Науковедение. 2013. №6 (19). С.6; Бальшев А.В., Зиновьева Е.С. Стимулирование развития науки и инноваций в США: политика в отношении малых фирм (на примере программы содействия инновационным исследованиям малого бизнеса (SBIR)) // Вестник ЧГУ. 2013. №4. С.292-300; 35. Ахтулов А.Л.; Андрич С.В., Ахтулова Л.Н. Создание новых инновационных структур развития малого и среднего наукоемкого бизнеса в Омской области на примере технопарка // ОНВ. 2013. №4(121). С.49-51; Freeman, C. Technical innovation, diffusion and long cycles of economic development / C. Freeman // Long wave debate. – 1987. – 256 p.; 21. Roy Rothwell. The Changing Nature of the Innovation Process //Technovation, 1 Jan.1993: Пер., обработка А. Сенина – Электронная версия, 2001 / <http://technopark.al.ru/business/innovation/innovation.htm>.

⁵ Варнаровский В.Г. Государственно-частное партнерство: теория и практика [Text] / В.Г. Варнаровский, А.В.Клименко, В.А.Королев. – М.: Издательский дом Государственного университета Высшей школы экономики, 2010. – 287 с. Земская, Е. Венчурное финансирование для новаторов /Е. Земская, А. Лукашов // Финансовый менеджер. - 2007. - № 1. - С. 36-38.; Живица А.Э. Формирование инновационной инфраструктурк региона. Дисс., к.э.н. – Вологда, 2010 г. 153с.; Лебедева Н.Н. Эффективность реализации предпринимательских проектов государственно-частного партнерства в сфере промышленных парков/Н.Н. Лебедева. Автореферат кан. дисс. Санкт-Петербург 2008; Инфраструктура поддержки малого инновационного малого инновационного предпринимательство. //Инновации и предпринимательство. <http://www.innovbusiness.ru> content; Каширин А. Бизнес-ангельское инвестирование — перспективный источник получения высоких доходов / А.Каширин, А.Семенов // Рынок ценных бумаг, 2007. - № 2. - С. 34-36.; Лазарев, В.С. История и зарубежный опыт создания и деятельности технопарков и бизнес инкубаторов / В.С. Лазарев, Т.А. Демещик. – Минск: РУП «Технопарк БИТУ «Метолит», 2005. - 357 с.; Лузан, С. Венчурное инвестирование в России: проблемы развития /С. Лузан, Н. Шандиева // Инвестиции в России. - 2006. - № 4. С. 34-38.; Лапин, Н. Стратегия инновационного развития: национальная инновационная система / Н. Лапин // Проблемы теории и практики управления, 2008. - № 5. - С. 106-118.; Молчанова, О.П. Технопарковые структуры /О.П.Молчанова. Режим доступа: [<http://molchanova.spa.msu.ru>]. Сергиенко, Я. Венчурные инвестиции и инновационная активность / Я. Сергиенко, А. Френкель // Вопросы экономики, 2006. - №5.-С. 115-121.; Сладков С.Л. Стратегия развития инновационного малого предпринимательства. Дисс., к.э.н. – М.,2011г. 176 с. Руденко Л.Г. Механизмы инфраструктурной поддержки развития малого инновационного предпринимательство. // Вестник университета №1,2019, <https://cyberleninka.ru> > article > mehanizm-innovatsio...; Лю Сяоцзюань. Технопарки в мировой экономике: особенности развития и регулирования в китайской народной республике. Автореферат диссертации, к.э.н. – Минск, 2020г. 24 с.; Матюхов, А.Е. Финансовая инфраструктура инновационной деятельности: проблемы формирования в России /А.Е. Матюхов // Финансы и кредит, 2007. -№ 22(262). – С. 77-83.

Ш.И.Отажонов, У.В.Ғафуров, Е.Горлова, Ф.Заирова, А.Кадыров, С.Севликянц, Н.Мирзарахимова, М.Матчонов, Ҳ.Т.Мухитдинов, Р.Нурибетов⁶ ва бошқаларнинг ишларида тадқиқ этилган.

Юқоридаги хорижий олимларнинг тадқиқотлари муҳим илмий-услубий асос ҳисобланса-да, уларда муайян давлатлар шароитидан келиб чиқиб, тадқиқотлар олиб борилган. Маҳаллий олимларнинг тадқиқотларида кичик бизнесни инновацион ривожлантиришда имитацион инновациялардан фойдаланиш, ҳудудларнинг иқтисодий ва илмий салоҳиятини эътиборга олиш ва технопарклар тармоғидан фойдаланиш масаласи мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб, илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 2021 йилдаги илмий-инновацион фаолият режаси 15-бандининг “Кичик бизнесни ривожлантириш учун инновацион ўсиш марказларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кичик бизнес корхоналарида инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хориж тажрибасига асосланган ҳолда мамлакатда корхоналарни микрофирма, кичик ва ўрта корхоналар тоифасига киритиш мезонларини ўрганиш;

мамлакатда кичик бизнес корхоналарнинг ривожланганлик даражаси ва инновацион фаолияти натижаларини таҳлил қилиш, кичик бизнес корхоналарининг инновацион ривожланиши билан боғлиқ муаммоларини аниқлаш;

кичик бизнес корхоналарини ҳудудлар кесимида инновацион ривожлантиришда уларнинг иқтисодий ва илмий имкониятларини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш;

⁶ Фуломов С.С., Отажонов Ш.И. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти бошқарув механизмини такомиллаштириш: Иқтисод фанлари номзодию. ...дис.автореф. – Т., 2010. – 276.; Ғофуров У. Инновацион ғояларни амалиётга жорий этишда кичик бизнес иштирокини фаоллаштириш. // Иқтисод ва молия. – Тошкент, 2012. - №2, 17-23-б.; Горлова Е. Развитие высокотехнологичных производств на базе инноваций.// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2012. - №2. – С. 30-34.; Заирова Ф. Подготовка рабочих кадров и повышение их квалификации как фактор инновации в отраслях промышленности. // Биржа Эксперт. – Тошкент, 2010. - №8. С. 57-63.; Кадыров А., Севликянц С. Трансферт технологий и его влияние на повышение конкурентоспособности национальной экономики // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2010. - №8. – С. 38-40.; Курбанова Д. Перспективы формирования инновационных кластеров в Узбекистане. // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2011. - №1. – С. 41-45.; Матчонов М. Воздействие инвестиций на формирование аграрной сферы инновационного типа // Биржа Эксперт. – Тошкент. 2010. - №49. – С.63.; Вопросы оценки технологического оборудования и пути их решения // Биржа эксперт. – Тошкент, 2012. – №4, - С. 61-63.; Мухитдинов Ҳ.Т.Ўзбекистонда инновацион инфратузилмани ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантириш // Биржа Эксперт. – Тошкент, 2011. - №5. 45-47-б.; Нурибетов Р., Кулмуратов Б. Инновацион бошқариш стратегиясининг аҳамияти. // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2010. - № . 73-75-б.

кичик бизнес корхоналарининг инновацион ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлар ёрдамида прогноз қилиш ва кичик бизнесда йирик бизнесга нисбатан инновацион маҳсулот ва хизматларни яратишдаги устунликларни ўрганиш;

кичик бизнес корхоналарини инновацион ривожланишида муҳим ўрин тутган технопарклар фаолиятини иқтисодий баҳолаш;

кичик бизнес корхоналарини имитацион инновациялар асосида ривожлантиришнинг мустақил инновацияларга нисбатан устун жиҳатларини ўрганиш орқали мамлакатда кичик бизнес корхоналарининг инновацион ривожланишида имитацион инновациялардан фойдаланиш самарали йўл эканлигини асослаш;

худудларнинг иқтисодий ва илмий салоҳиятига кўра кичик бизнес корхоналари фаолиятини худудлар кесимида инновацион ривожлантиришда технопарклар тармоғига асосланган имитацион инновациялардан фойдаланиш модели ва алгоритмининг такомиллаштириш;

хорижий юқори технологик, илғор ускуна ва технологияларни харид қилишда давлат-хусусий шериклик механизмидан фойдаланишни ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда ишлаб чиқариш жараёнини инновация ва янги технологиялар асосида ташкил этган кичик бизнес корхоналари фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети кичик бизнес корхоналари томонидан турли шаклдаги инновациялардан фойдаланиш жараёнларида юзага келувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил, индекс, танланма кузатув, таққослаш, корреляцион ва регрессион таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

технопарклар негизидаги резидентлар учун имитацион объектларни самарали танлаш платформасини жорий этиш орқали кичик бизнес корхоналари инновацион фаоллигини ошириш таклифи асосланган;

технопарклар фаолияти самарадорлигини баҳолашда кичик бизнес корхоналари учун тақдим этилган турли кўринишдаги имтиёзлар, бюджетга тушумлар ва соф молиявий натижанинг келтирилган қийматини ҳисобга олиш таклифи асосланган;

илмий ғоя ва инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этишда худудлардаги технопаркларда зарур иқтисодий ва илмий-техник ресурслар мавжудлигининг турли даражасида асосий (бош) ва иштирокчи (қуйи) технопарклар тармоғи доирасида ғоя ва натижаларнинг ўзаро трансфертини йўлга қўйиш орқали фаолият самарадорлигини таъминлаш таклиф этилган;

кичик бизнес корхоналарида инновацион фаолиятни рағбатлантириш асосида инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 2024 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ривожланган хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда корхоналарни микрофирма, кичик корхона ва ўрта корхоналарга киритиш мезонлари таклиф қилинган;

хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида мамлакатда кичик бизнес корхоналарининг инновацион фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

худудлар кесимида КБ корхоналарини инновацион ривожлантиришда худудларнинг иқтисодий ва илмий имкониятларини индекслар усули асосида интеграл баҳолашнинг такомиллашган усули таклиф этилган;

кичик бизнеснинг инновацион ривожланишини таъминловчи инфратузилманинг тизимости элементлари ягона тизим сифатида ишлаши ва уларни тўлиқ ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги асосланган;

кичик бизнес корхоналари фаолиятини инновацион ривожлантиришда имитацион инновациялардан фойдаланиш алгоритми таклиф қилинган;

худудларнинг иқтисодий ва илмий салоҳиятидан келиб чиқиб, мамлакат бўйича кичик бизнес корхоналарини инновацион ривожлантиришнинг бош технопаркка асосланган модели таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда фойдаланилган ахборот базасининг ишончлилиги, қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари, КБ корхоналари ҳисобот ва статистик маълумотларидан олинганлиги ҳамда тегишли хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижаларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар кичик бизнес корхоналарини инновацион ривожлантиришга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга ошириш, худудлар кесимида кичик бизнесни инновацион ривожлантириш лойиҳаларини илмий жиҳатдан асослашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Диссертация ишида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг кичик бизнес корхоналарида инновацияларни ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш ва тижоратлаштириш ишларини амалга ошириш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан кичик бизнес корхоналарининг фаолиятини тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, шунингдек, олий ўқув юртларида соҳага оид фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналари фаолиятини инновацион ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

технопарклар негизидаги резидентлар учун имитацион объектларни самарали танлаш платформасини жорий этиш орқали кичик бизнес корхоналари инновацион фаоллигини ошириш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан Инвестицияларни жалб қилиш ва инновацион тадбиркорликни ривожлантиришга оид дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 6 октябрдаги 11/03-15-8238-сон маълумотномаси). Таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида “Яшнобод” инновацион технопаркида имитацион объектларни самарали танлаш ҳамда инновацион фаоллигини ошириш имкони яратилган;

технопарклар фаолияти самарадорлигини баҳолашда кичик бизнес корхоналари учун такдим этилган турли кўринишдаги имтиёзлар, бюджетга тушумлар ва соф молиявий натижанинг келтирилган қийматини ҳисобга олиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан “Яшнобод” инновацион технопарки фаолияти самарадорлигини баҳолашда фойдаланилган (Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 6 октябрдаги 11/03-15-8238-сон маълумотномаси). Таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида “Яшнобод” инновацион технопарки фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имкон яратилган;

илмий ғоя ва инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этишда худудлардаги технопаркларда зарур иқтисодий ва илмий-техник ресурслар мавжудлигининг турли даражасида асосий (бош) ва иштирокчи (куйи) технопарклар тармоғи доирасида ғоя ва натижаларнинг ўзаро трансфертини йўлга қўйиш орқали фаолият самарадорлигини таъминлаш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан Инвестицияларни жалб қилиш ва инновацион тадбиркорликни ривожлантиришга оид дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 6 октябрдаги 11/03-15-8238-сон маълумотномаси). Таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида технопаркларнинг инновацион фаолияти самарадорлиги ҳамда инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имкони яратилган;

кичик бизнес корхоналарида инновацион фаолиятни рағбатлантириш асосида инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 2024 йилгача мўлжалланган прогноз кўрсаткичларидан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан Инвестицияларни жалб қилиш ва инновацион тадбиркорликни ривожлантиришга оид дастурларни ишлаб чиқиш (Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 6 октябрдаги 11/03-15-8238-сон маълумотномаси) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг қонун ижодкорлиги фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2021 йил 28 сентябрдаги 04/1-162-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида мамлакатда кичик бизнес корхоналари томонидан истиқболда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг асосий параметрларини янада аниқлаштириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан, 2 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (5 та республика ва 2 та хорижий журналларда), 7 та конференция тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг ҳажми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Кичик бизнес корхоналарининг инновацион фаолиятдаги ўрни ва аҳамияти**” деб номланиб, унда ривожланган хорижий давлатлар ва Ўзбекистонда корхоналарни микрофирма, кичик корхона ва ўрта корхоналарга киритиш мезонлари таҳлил қилинган, бу борада таклифлар ишлаб чиқилган, “инновация” ва “инновацион фаолият” тушунчаларининг иқтисодий мазмун-моҳияти ёритиб берилган, кичик бизнес корхоналарининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг хориж тажрибаси ўрганилган.

Диссертацияда кўйилган муаммо нуқтаи назаридан “инновация” деганда, КБ субъектлари томонидан янги ёки такомиллашган ускуна, технология, товар, хизматлар, бошқарув усуллари ва бошқа янгиликларни яратиш жараёнлари тушунилиб, булар, ўз навбатида, ишлаб чиқариш, бошқарув, тижорат ва бошқа жараёнларнинг сифати, самарадорлигини оширишга, КБ субъектларининг рақобатбардошлиги, экспорт салоҳияти ва тижоратдан олинadиган фойдани оширишга олиб келиши тушунилади.

КБда қуйидаги турдаги инновацияларни ажратиб кўрсатиш мумкин: корхонанинг кириш қисмидаги инновациялар – хомашё, материаллар, машина ва ускуна, ахборот; корхонанинг чиқиш қисмидаги инновациялар – маҳсулот, хизмат, технология, ахборот маҳсулотидаги ўзгаришлар; корхонанинг таркибига тегишли инновациялар – бошқарув тизими, ишлаб чиқариш тизими, технологик тизимлардаги ўзгаришлар.

Инновациялар қуйидаги танлов мезонларига жавоб бериши керак: янгилиги, амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эканлиги, уни ишлаб чиқариш мумкинлиги, бозорга чиқариб сотиш мумкинлиги (унга бозор талабини шакллантириш мумкинлиги), инновацион фаолият самарадорлиги талабларига жавоб бериши. КБ ўзининг инновацион фаолиятини амалга ошириш учун зарур барча ички ва фойдаланилиши мумкин бўлган ташқи ресурслар унинг инновацион салоҳиятини билдиради.

КБнинг ЯИМдаги улуши 2020 йилда 53,9 %ни, саноатдаги улуши 27,8 %ни, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 97,0 %ни, инвестицияда 49,7 %ни, қурилишда 72,4 %ни, савдода 82,2 %ни, хизматларда 51,5 %ни, экспортда 20,5 %ни, импортда 51,8 %ни ташкил этди ва бандликнинг 73,8 %и кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ)га тўғри келади.

Диссертациянинг **“Кичик бизнес корхоналари инновацион ривожланишининг ҳозирги ҳолати”** деб номланган иккинчи бобида кичик бизнес корхоналарида тармоқлар ва ҳудудлар бўйича ривожланганлик даражасининг ҳозирги ҳолати, ҳудудлар кесимида кичик бизнес корхоналарининг инновацион фаолияти натижалари, кичик бизнесни инновацион ривожлантиришда ҳудудларнинг иқтисодий ва илмий имкониятлари таҳлил қилинган ҳамда баҳоланган, кичик бизнес корхоналарида технологик инновациялардан фойдаланиш ва уларнинг турлари таҳлил қилинган.

Евростат технологик фаолиятнинг таснифи бўйича ишлаб чиқаришнинг технологик ривожланиш даражаси саноат таркибида юқори технологияли тармоқ улуши 1,9 %ни (2019 йилда бу кўрсаткич 1,5 %), ўрта юқори технологияли тармоқ улуши 22,4 % (25,4 %), ўрта қуйи технологияли тармоқ улуши 40,1 % (36,6 %) ва қуйи технологияли тармоқ улуши 35,6 % (36,5 %)ни ташкил этган. Бу шундан далолат берадики, мамлакатимизда юқори технологияли тармоқлар (компьютерлар, электроника ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш, фармацевтика маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш) бошланғич ривожланиш босқичидадир.

Россия Федерацияси олимлари Е.В.Буланова, Н.С.Соменкова ва Н.А.Ягунованинг⁷ тадқиқотларида саноат соҳасидаги 64 та КБ корхоналари вакиллари ўртасида сўровнома ўтказилганда, энг кўп харажат технологик инновация билан боғлиқ машина ва ускуналарни сотиб олишга сарфланган. Саноат соҳасида фаолият юритувчи корхоналарнинг 79 %ида технологик инновациялар ишлаб чиқаришга жорий этилган. Ташкилий инновацияларга – 29 % ва маркетинг инновациясига – 18 % улуш тўғри келади. Технологик инновацияларга сарфлар, асосан, ёқилғи-энергетика ва қайта ишлаш саноатида, текстиль ва тикув, тери ва тери маҳсулотлари, пойафзал, ёғочни қайта ишлаш, қоғоз, нефть маҳсулотлари, резина ва пластмасса маҳсулоти ишлаб чиқарувчи тармоқларда кузатилган.

⁷ Буланова Е.В., Соменкова Н.С., Ягунова Н.А. Формирование стратегии развития малого инновационного предприятия промышленного комплекса. // Журнал «Вопросы инновационной экономики». Том 9. № 2. Апрель-июнь, 2020.

Хитой Халқ Республикасида (ХХР) сўнгги 30 йилда патентларнинг 65 %и, технологик инновацияларнинг 75 %и, янги инновацион маҳсулотларнинг 80 %и кичик ва ўрта бизнес корхоналарига тўғри келади⁸.

Худудларнинг барча кўрсаткичлари бўйича иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодаловчи хусусий ва интеграл индекс кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган. Барча кўрсаткичлар бўйича энг юқори ривожланаётган худудларга Тошкент шаҳри (11,82) ва Навоий (15,33) вилоятини киритиш мумкин. Навоий вилояти худудининг аҳоли жон бошига хорижий инвестициялар индекс кўрсаткичидан ташқари барча индекс кўрсаткичлари Тошкент шаҳар индекс кўрсаткичларидан юқори ва аҳоли жон бошига миқдори бўйича олганда бу кўрсаткичлар ўртача республика кўрсаткичларидан 2-4,6 баробарга юқори.

1-жадвал

Худуднинг иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодаловчи интеграл индекс⁹

Худудлар	Аҳоли жон бошига ЯХМ индекси	Аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти индекси	Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар индекси	Аҳоли жон бошига хорижий инвестициялар индекси	Аҳоли жон бошига КБнинг саноат маҳсулоти индекси	Жами интеграл индекс
Ўзбекистон Республикаси	1,00	1,00	1,00	1,00	1,00	
Қорақалпоғистон Республикаси	0,65	0,69	0,79	0,64	0,65	3,42
Вилоятлар						
Андижон	0,70	1,08	0,47	0,36	0,70	3,31
Бухоро	0,92	0,77	0,91	1,06	0,92	4,58
Жиззах	0,73	0,36	1,02	1,05	0,73	3,89
Қашқадарё	0,74	0,64	1,28	1,99	0,74	5,39
Навоий	2,43	4,57	3,18	2,71	2,44	15,33
Наманган	0,55	0,33	0,77	0,74	0,55	2,94
Самарқанд	0,64	0,42	0,45	0,28	0,64	2,43
Сурхондарё	0,56	0,17	0,83	1,13	0,56	3,25
Сирдарё	0,82	0,87	1,29	1,32	0,82	5,12
Тошкент вилояти	1,13	1,87	1,03	0,74	1,13	5,90
Фарғона	0,58	0,53	0,44	0,37	0,58	2,50
Хоразм	0,68	0,48	0,53	0,49	0,68	2,86
Тошкент шаҳри	1,92	2,35	2,89	2,74	1,92	11,82

Интеграл индекс бўйича Тошкент (5,90) ва Қашқадарё вилоятларининг (5,39) индекслари ҳам бошқа худудларга нисбатан юқори. Бу худудларни “локомотив” худудлар сифатида ўтганиш мумкин. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда бу худудлар муҳим ўрин тутди.

⁸ Гумерова Г.И., Шаймиева Э.Ш. Анализ управления технологическими инновациями на промышленных Российских предприятиях: источники финансирования, инновационная стратегия. // Актуальные проблемы экономики и права, 2012. № 4 (24). С. 143-150.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қумитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Тошкент шаҳрининг илмий салоҳият индекси кўрсаткичлари бошқа ҳудудларнинг индекс кўрсаткичларидан юқори эканлигини кузатиш мумкин (2-жадвал), Тошкент шаҳрининг илмий интеграл индекси 3,75 га тенг бўлиб, у бошқа ҳудудларнинг интеграл индексидан юқори. Тошкент шаҳрининг юқори илмий салоҳияти мамлакатимиз ва ҳудудларнинг инновацион ривожланишида муҳим ўрин тутишини билдиради. Тошкент шаҳрида инновацион инфратузилма элементларини барпо этиш, технопаркларни замонавий техник ускуналар ва юқори малакали кадрлар билан таъминлашда давлатнинг инновацион сиёсати муҳим аҳамият касб этади.

2-жадвал

Ҳудудларнинг илмий салоҳиятини ифодаловчи индекс кўрсаткичлари ва интеграл кўрсаткич¹⁰ (жамига нисбатан улушда)

Кўрсаткичлар	Олий таълим муссасалари индекси	Хорижий олий ўқув юртларининг филиаллари индекси	Техник-илмий тадқиқот институтлари индекси	Фан докторлари (DSc) индекси	Фан номзодлари (PhD) индекси	Магистрлар (техника соҳасида) индекси	Бакалаврлар (техника соҳасида) индекси	Интеграл индекс кўрсаткичи
Қорақалпоғистон Республикаси	0.08	-	0.03	0.04	0.07	0.004	0.05	0.27
<i>Вилоятлар:</i>								
Андижон	0.05	0.06	0.03	0.05	0.07	0.01	0.04	0.31
Бухоро	0.04	-	0.04	0.04	0.05	0.06	0.06	0.29
Жиззах	0.03	-	0.02	0.02	0.03	0.01	0.04	0.14
Қашқадарё	0.05	-	0.02	0.02	0.04	0.03	0.09	0.25
Навоий	0.02	-	0.03	0.01	0.02	0.03	0.03	0.13
Наманган	0.03	-	0.04	0.02	0.04	0.03	0.07	0.23
Самарқанд	0.09	0.06	0.06	0.11	0.11	0.06	0.06	0.54
Сурхондарё	0.06	-	0.02	0.01	0.01	0.002	0.02	0.11
Сирдарё	0.02	-	0.02	0.02	0.01	-	0.004	0.07
Тошкент	0.04	0.06	0.12	0.06	0.05	-	0.01	0.33
Фарғона	0.08	0.11	0.03	0.03	0.07	0.04	0.07	0.43
Хоразм	0.03	-	0.03	0.01	0.02	0.01	0.03	0.13
Тошкент ш.	0.40	0.71	0.51	0.56	0.41	0.71	0.42	3.75
Ўзбекистон	1.00	1.00	1.00	1.00	1.00	1.00	1.00	6.98

Барча иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳудудлар бўйича хусусий индекслари ва интеграл индекслари қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

$$A_{ij} = \frac{x_{ij}}{y_j}, \quad X_i = \sum_{j=1}^4 A_{ij}, \quad i = 1-15, \quad j = 1-4$$

бу ерда: x_{ij} – i -худуднинг j -кўрсаткичининг аҳоли жон бошига тўғри келувчи ҳажми; y_j – республика бўйича j -кўрсаткичининг аҳоли жон бошига тўғри келувчи ҳажми; A_{ij} – i -худуднинг j -кўрсаткич индекси; X_i – i -худуднинг иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодаловчи интеграл индекс.

Диссертациянинг **“Кичик бизнес корхоналарини имитацион инновациялар асосида ривожлантириш”** деб номланган учинчи бобида кичик бизнес корхоналарини инновацион ривожлантиришнинг инфратузилма таъминоти, инновацион инфратузилма унинг мақсади, вазифалари, тизимости таркиби, унинг КБ корхоналарининг инновацион ривожланишига тизимли таъсири ўрганилган, мамлакатимизда инновацион ривожланишни таъминловчи инфратузилмани яратиш зарурати асосланган, КБ корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантиришда имитацион инновациялардан фойдаланиш самарали йўл эканлиги асосланган, имитацион инновация жараёнларини амалга ошириш босқичлари ва КБ корхоналарини худудларнинг иқтисодий ва илмий салоҳиятига кўра инновацион ривожлантириш масалалари ўрганилган.

Инновацион лойиҳани амалга оширишдаги ҳар бир босқич – маҳсулотни ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш ва бозорга чиқариш керакли бўлган таркибдаги инфратузилма билан таъминланган бўлиши керак ва бундай инфратузилма инновацион инфратузилмани ташкил қилади (адабиётларда инновацион инфратузилма ва инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш инфратузилмаси синоним тушунча сифатида ўрганилади). Инновацион инфратузилма инновацион иқтисодиёт шаклланишининг асосий шарти ҳисобланади ва унинг таркибидаги элементларнинг ҳаракати ўзаро боғлиқ ҳолда тартибга солишни талаб қилади. Инновацион инфратузилма ва ундаги элементларнинг ривожланганлик даражаси корхонанинг инновацион фаоллиги, худуд ва мамлакат иқтисодиётининг инновацион ривожланиш даражасини белгилайди.

Инновацион инфратузилмаси ишлаб чиқариш-технологик, эксперт-консалтинг, молиявий, кадрлар, ахборот тизимостиларни ўз ичига олади.

Глобаллашув шароитида қайси давлатда инновацион инфратузилма яхши ривожланган бўлса, шу давлат инновацион фаолиятни самарали ривожлантириш механизмига эга бўлади ва иқтисодиётининг инновацион ривожланишида устунликка эришади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, давлат ва маҳаллий ҳокимликлар технопарклар ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани ташкил қилишда асосий инвесторлар сифатида катнашади. Шу сабабли бу сарфларнинг қанчалик самарали эканлигини баҳолашда, муаллифнинг фикрича, бюджет самарадорлиги (солиқ тушуми) кўрсаткичидан фойдаланиш ўринлидир. Яна бир кўрсаткич – технопаркнинг самарадорлигини келтирилган қиймат кўринишда ифодалаш, маълум вақт оралиғида даромадлар оқимидан харажатларни айириб, уларни бошланғич йилга дисконтлаш орқали келтирилган қиймат кўринишида аниқланади.

Агар технопарк яхши фаолият юритиб, КБ корхоналарини ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган деб қаралса, КБ корхоналари яхши ривожланади ва солиқ тушуми ортади:

$$T = t^1 + t^2 + \dots + t_n;$$

бу ерда: T – бюджет самарадорлиги бўлиб, n йил давомида тушадиган солиқлар тушумини ифодалайди; t^1, t^2, \dots, t_n – биринчи, иккинчи ва n -йиллардаги солиқ тушумлари.

T нинг қиймати нолдан қанча катта бўлса ($T > 0$), технопаркнинг бюджет самарадорлиги шунча юқори бўлади. Технопаркнинг маълум вақт оралиғида пул оқимлари Π_t ($t=1-T$) дейилса ва қилинган харажатлар X_t деб белгиланса ва уларнинг фарқи дисконтланса, технопаркнинг самарадорлик кўрсаткичини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$C = \sum_{t=1}^T (\Pi_t - X_t) \times d; \quad d = \frac{1}{(1+\beta)^t}$$

бу ерда: C – самарадорлик кўрсаткичи; d – дисконт коэффициентини; β – фоиз ставкаси.

Агар $C = 0$ га тенг бўлса, технопарк зарарсиз ишлайди. Агар $C > 0$ бўлса, технопарк самарали ишлайди. Агар $C < 0$ бўлса, технопарк зарар билан ишлайди. Бу ерда технопарк самарали ишлаши учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

Оригинал инновацияларда янги технологиядан фойдаланиб, янги маҳсулот яратилади. Маълумки, оригинал инновациялар, биринчидан, илмий тадқиқот ишларига катта харажат талаб қилинади; иккинчидан, янги маҳсулотни ишлаб чиқиш узоқ муддатни талаб этди ва учинчидан, катта риск билан боғлиқ. Натижа олинмаса, корхона катта талофатга учрайди. Оригинал инновациялар йирик, молиявий бақувват компаниялар томонидан бажарилади.

Имитацион инновацияда илғор технология ёки ускуна сотиб олинади ва улар кетма-кет яхшиланади ва такомиллаштирилади. Маълумки, ривожланган давлатларда кўпгина корхоналарда иккиламчи инновациядан фойдаланилади, яъни мавжуд имитацион технология ва ускуналарни модернизация қилишга эътибор берилади.

Имитацион инновацияларнинг ижобий хусусиятлари қуйидагилардан иборат: имитацион инновациялар товарнинг бозорда сотилиши билан боғлиқ рискни пасайтиради, чунки маҳсулоти бозорда синалган технологиялар имитацион инновация қилинади; биринчи инновациянинг натижаси мавжуд бўлгани учун имитацион инновацияни амалга ошириш осон кечади, бу унинг устун жиҳатини ифодалайди; имитацион инновацияда бозорбоп технология танлаб олинади ва ундан кейин уни янгилаш бўйича корхона ўз тадқиқот ишларини олиб боради, бу тадқиқот риск ва хатоликлардан холи бўлади.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги КБ корхоналарида мустақил тадқиқот ўтказиш катта маблағ талаб этади. Имитацион инновация катта маблағ талаб этмайди, маҳсулот таннархини пасайтиради, бу, ўз навбатида, маҳсулотнинг бозор талабига тез мослашуви ва истеъмолчилар эҳтиёжини қондиришга олиб келади. Корхоналар имитацион инновация орқали келажакда ўз мустақил инновациясига эришиши мумкин. Бунга мисол сифатида Япония, ХХР ва Жанубий Корея давлатларини келтириш мумкин. Уларда АҚШ ва Европа давлатларининг технологияларини сотиб олиниб, инновацион жараёнларни янги технологияни такомиллаштириш ғоясидан бошлаб то янги такомиллашган технология ва маҳсулот ишлаб чиқарилиб, уни тижоратлаштиришгача бўлган жараёнлар амалга оширилиб, рақобатбардош маҳсулот яратилган¹¹.

ХХРда 4G мобил алоқасига асосланиб, 5G мобил алоқаси ишлаб чиқилган ва бу борада мазкур давлат етакчи ҳисобланади. Япониянинг SONY компаниясида йилига минглаб янги маҳсулот ишлаб чиқарилади (телевизор, холодильник, чанг юткич, компьютер ва ҳоказо). Уларнинг асосий қисми аввалгисидан кам фарқ қилади, лекин бундай имитацион инновациялар ва ўзгаришлар турли истеъмолчилар гуруҳларининг эҳтиёжини қондиради ва катта талабга эга.

Имитацион инновациялар КБ корхоналарига вақтни тежаш ва қисқа вақт оралиғида бозорнинг маълум улушини эгаллаш ҳамда фойда олишга олиб келади. Имитацион инновация стратегиясида дастлаб истиқболли технология танланади. Бу ерда экспертлар ёрдамида бозор талаби ўрганилади. Корхона имкониятлари ушбу технологияни такомиллаштириши мумкинлиги ўрганилади, хомашё базаси ҳам таҳлил қилинади. Сўнгра имитацион технология жараёни бошланади.

Кичик бизнес географик жиҳатдан кичик ҳудудда жойлашади. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати уларнинг ривожланганлик даражаси кичик бизнеснинг тури (кичик ва ўрта бизнес), саноат ишлаб чиқариш ва инновацион фаолияти йўналишларини белгилаш ва инновацион инфратузилма элементларини шакллантиришда муҳим ўрин тутаяди. Мамлакатимизда ҳудудларнинг ривожланиш даражаси ўзаро кескин фарқ қилади, шу сабабдан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ва илмий имкониятлардан келиб чиқиб, жамият учун устувор тармоқларда кичик бизнесни ривожлантириш, уларнинг инновацион фаолиятини йўлга қўйиш ва қўллаб-қувватлаш давлатнинг илмий асосланган иқтисодий сиёсатини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

КБда имитацион инновацияни амалга ошириш босқичлари маълум мантиқий кетма-кетликда бўлиши талаб этилади.

КБда имитацион инновацияни амалга ошириш алгоритми:

1. Юқори технология ва маҳсулот тўғрисида ахборот олиш.

